Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 123 (5414).
1 ИЮНЬ 1984 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЛЕНИНЧАСИГА ЯШАЙЛИК ВА ИШЛАЙЛИК

Тошкент меҳнаткашлари, Ўзбекистон пойтахти ёшларини КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг Комсомол ташкилотлари секретарлари Умумармия кенгашида сўзлаган нутқини зўр қизиқиш билан кутиб олдилар.

ЭСТАФЕТА—ЁШЛАРГА

Е. ПЕРЛИН,
1924 йилдан КПСС аъзоси.

—Ленинча чақириқ коммунистлари, мендан кичик ёшдагилар, менинг тенгдошларим бутун ҳаёти комсомол сафларидан боғлиқдир, десам янглишмайман. Чирчиқ шаҳри, Фарғона канали қурилаётган кизғин йилларини эслаш қафон.

Республикамиз тарихининг энг қизғин йили ва кунини, балки энг кичик воқеани эсласак ҳам коммунистик қурилишнинг олдинги сафида ҳамиша Ўзбекистон ёшлари турганини кўрамиз.

Республика комсомоли ташкилотларини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш ва индустриал даврида катта хизмат кўрсатиш даврида катта хизмат кўрсатиш, тўқимачилик комбинати, Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлик заводи объектлари, ирригация иншоотларини қуришга оталиқ қилди. Бугун Ватан уруши йилларида комсомоллар она-Ватанга бериб садоқатларини кўрсатдилар. Ўзбекистон комсомоли фашизмга қарши ҳаракатда давомида мувaффақиятли иш олиб борди, уч қитъадаги кинематографчилар учун тақлидий ижодий мактаб вазифасини ўтаган халқаро кино байрами нишонига етяпти. Биз бу ерда олиб борган ижодий мулоқотлари «Тинчлик, ижтимоий тараққиёт ва халқлар озодлиги учун курашда кинонинг роли» мавзусидаги мунозаралар ҳар бир экран устасининг ёт-мамот жангига ўзининг учдан икки қисм вакилини юборди.

Халқ хўжалигини тиклаш даврида ёшлар янги корхоналар қуришда, янги шаҳарлар — Олмалиқ, Ангрен, Навоий ва бошқа шаҳарлар қурилишида актив иштирок этишди. Республика комсомоллари Мирзачўл, Қарши чўли, Сурхон-Шеробод даштини ва ўнлаб катта массивларни ўзлаштиришда қатнашдилар. Бу эса кўплаб пахта етиштириш имконини берди.

Ўртоқ К. У. Черненконинг илҳомбахш ва сафарбар этувчи нутқини ўқиганимда ана шулар беихтиёр ёдимга тушди. Мен яқинда 85 ёшга тўладим. Ҳали куч-ғайратим бор. Мен комсомолдан, Коммунистик партиямиздан чексиз миннатдорман. Бизнинг авлодимиз ёшларга оқ йўл тилар экан, «Эстафетани маҳкам тутингиз» дейман.

ЛЕНИНЧИ КУРСАНТЛАР АҲДИ

В. МАРКИН,
В. И. Ленин номидаги Тошкент олий умумқўшин командирлар билим юрти курсанти.

—Комсомол ташкилотлари секретарларининг Умумармия кенгашида Константин Устинович Черненко сўзлаган нутқини тинглаганимда коммунистик партия ва Совет ҳукумати биз ҳақимизда катта ғамхўрлик кўрсатаётгани учун миннатдорлигимизни ифодалашга сўз тополмай ҳаяжонланиб кетдим. Кенгаш минбаридан туриб айтилган ҳар бир сўз қалбимиздан чуқур жой олди.

Биз ленинчи-курсантлар ўртоқ К. У. Черненко айтган сўзларга бевосита даҳлдормиз. Биз севимли социалистик она-Ватанимиз ғалабаларини ҳимоя қилиш учун енгиш фанини — ҳарбий фанни қатъият билан чуқур ўрганяпмиз. Биз, ёш жангчилар, бўлажак офицерлар Ленин васиятларига амал қилаяпмиз.

Биз шуни яхши биламизки, империалистик қора кучлар социалистик республикани бўғиб ташлаш учун ҳар ой, ҳар кун тайёргарлик кўрган эди. Тинчлик ва халқлар қардошлиги капиталистларга хуш келмаяпти. Шунинг учун ҳам ҳар биримиз ўртоқ К. У. Черненконинг қуйидаги сўзларини ғоят масъулият билан жиддий қабул қиламиз: «Жаҳон майдонида холис ниятга ёт бўлган ва ақл-идрок мулоҳазаларига нисбатан гунг бўлган сиёсий кучлар билан ҳам муомала қилишга тўғри келади. Шу ўринда мудофаа потенциалимизнинг тийиб турувчи қудрати бебаҳо роль ўйнайди. Ҳозир бу қудрат совет халқи бунёдкорлик меҳнатининг кафилигина бўлиб қолмай, ер юзидаги ялпи тинчликнинг кафили ҳамдир».

Ўртоқ К. У. Черненко нутқида белгилаб берилган ҳаракат программаси биз, курсантлар зиммасига ҳарбий фанни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш вазифасини юклайди. Биз социалистик она-Ватанимиз ғалабаларини ҳимоя қилиш учун доимо шай туришимиз керак.

• Вақтдан ўзганлар

МУРАББИЙ ИБРАТИ БУГУН

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг ветеран ишчиси, «Ҳурмат белгиси» ҳамда Меҳнат Қизил Байроқ орденлари кавалери Н. Умархўжаевнинг меҳнат календарларида юбилей йилининг август ойи очилди.

Тажрибали ишчи 30 йилдан бери ўз касбини шарафлаб келмоқда. Ишлаб чиқаришда пешқадамлик қилиш билан бир қаторда, у ёш ишчиларга касб сирларини ўргатиш, уларни малакали тикувчилар даражасига кўтариш борасида ҳам ғайрат кўрсатмоқда. Ғамхўр мураббийнинг ўнлаб шогирдлари ҳозирги кунда бирлашма илғорлари сафида фидокорлик кўрсатмоқда.

Автомобиль корхонаси кенгаяди

Сергели районидаги саноат зонасида жойлашган 12-автомобиль корхонаси яқин ойлар ичида кенгайиб, жуда кўп йўловчиларнинг узоғини яқин қиладиган бўлади. Бу ерда корхона цехларини қайта реконструкция қилиш ишлари бошланяпти.

«Узгипроавтодор» лойиҳа институти ходимларининг ишлаб чиққан реконструкция лойиҳасига кўра бу ерда ишлаб чиқариш ва маъмурий-маиший корпуслар, машиналарни механизация восситасида ювиш устахонаси қурилади, очиқ машина турар жойларни кенгайтирилади.

Реконструкция натижасида ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат шароити анча яхшиланади. Уларнинг ихтиёрига буфет, дам олиш хонаси, гардеробхона, медицина пункти, душхоналар берилб қўйилади.

БУГУН — БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ХАЛҚАРО КУНИ



Бугунги ёш авлод келгуси аср бошларида навқирон ёшда бўлади. Фарзандларимизнинг ҳуррам ҳаёт кечириши, тинч меҳнат билан шуғулланиб, улуғвор ишларни амалга оширишини истаймиз. Тинчликсевар давлатимизнинг дунёни уруш хавфидан халос этиш йўлида собитқадамлик билан олиб бораётган кураши ана шу эзгу, олий мақсадга қаратилган. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати оналар ва болаларнинг турмушини яхшилаш, болалари бўлган оилаларга давлат йўли билан ёрдам беришни кўпайтириш борасида муттасил ғамхўрлик кўрсатмоқдалар. Чунончи, болалари бўлган оилаларнинг даромадларини ошириш, ёш оилаларнинг уй-жой, турмуш шароитларини яхшилаш, оналарнинг бўш вақтини кўпайтириш, болаларни тарбиялаш учун энг яхши шароитлар яратиш чоралари кўриляпти.

Мамлакатимиз болалари — дунёда энг бахтиёр болалардир! Бизда ҳамма яхши нарсалар — болаларга! Зотан, мамлакатимизда оналар ва болалар ҳақида ғамхўрлик қилиш чинакам давлат аҳамиятига молик ишдир.

Биз ҳам оналар ва болалар мавзуидаги материалларни янада кенгроқ ёритиб бориш мақсадида бугундан бошлаб «Оналар ва болалар» янги рубрикасини очдик. Ана шу рубрика остидаги материалларни газетанинг учинчи саҳифасида ўқийсиз.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Ҳар доим бўлсин қуёш!



Янги инсон дунёга келганида «Муборак бўлсин!» деб қутлаймиз, аравачада ширин ухлаётган дўмбоқчага қулимсираб ингоҳ ташлаб қўямиз, атак-чечак қилаётган фарзандин кўрганимизда қувониб кетамиз. Ҳа, фарзандларимиз ва невараларимизнинг дастлабки қадамлари, илк сўзлари ҳақида ҳамкасбларимиз ва дўстларимизга қувониб сўзлаймиз. Кичкинтойлар «Бу нима!» деб ҳар бир нарсага қизиқишади. Бу саволларга жавоб бериштан чарчамаймиз, негаки биз уларнинг севамиз! Уларнинг бахтли бўлишини истаймиз. Тинч яшашдан, кўм-кўк боғ-роғлардан, мовий дарё ва кўлардан завқланамиз. Ҳаётимиз келажаги ва ишончи—фарзандларимиз бўлса, ер юзида биз учун яна бир қадрли нарса бу— тинчликдир. Одатда, фарзандга ҳам, тинчликка ҳам, эзгу ниятлар тиланади. «Доимо тинчлик бўлсин, фарзандларимиз бахтли бўлсин», деб бежиз айтишмайди. Тинчлик ва бахт эзгу ниятни кишиларнинг бирлигида олиб борган куч-ғайратларн туфайли барқарор бўлади. Партия ва ҳукуматимизнинг ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш, қуролланиш пойгасига барҳам бериш, қуролсизланишга қаратилган жуда катта ишлар олиб бормоқда. Негаки тинчлик ва саломатлик, тинчлик ва бахт бир-биридан ажралмас тушунчалардир.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ўртага ташланган «Ҳамма яхши нарсалар — болаларга!» ленинча шиори оғишмай амалга оширилмоқда. Агар ёдингизда бўлса, бундан 25 йил муқаддам шаҳримизда 183 та мактаб бор эди, холос. Бугунги кунда эса, 239 та умумий таълим мактаблари мавжуддир. 628 та мактабгача болалар ва муассасаларда 140 мингга яқин кичкинтойлар тарбияланишмоқда. Шаҳарнинг ҳар бир микрорайонида типовой лойиҳа бўйича қурилган болалар муассасалари, улар ўйнайдиган хоналар, ётоқхоналар, майдончалар бўлган комбинатлар бор. Уи биринчи беш йилликнинг уч йили ичида 33 та болалар объекти қурилди. Бу йил эса яна бешта мактаб, 13 та болалар комбинати қурилади.

Мактабгача болалар муассасалари тармоғини кенгайтиришга шаҳардаги Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент Трактор заводи» бирлашмаси, тўқимачилик комбинати ва бошқа саноат корхоналари ҳамда ташкилотлари катта ҳисса қўшмоқда. Корхоналар оналарга катта ғамхўрлик кўрсатишмоқда, уларнинг ижодий меҳнат қилишлари, фарзандларидан доимо кўнгилларн тўқ бўлиши учун кўп иш қилмоқдалар. Болалар комбинатларн ҳақиқатан ҳам фарзандлар учун иккинчи уйга айланиб қолди. Болаларнин ақлоқий, эстетик руҳда тарбиялаш, уларга куй-қўшиқлар ўргатиш, жисмоний тарбияга эътибор қаратилмоқда. Қаттароқ ёшдаги болалар учун 12 та пионер ва ўқувчилар саройларн ва уйлари, иккита ёш техниклар станцияси ва бошқалар ишлаб турибди.

Шаҳарда болаларни муҳофаза қилиш қатъий системаси таркиб топган. Болалар саломатлиги йўлида медицина ходимларн кўп иш қилмоқдалар. Улар 37 та консультация хоналарн ва поликлиникаларда, ўнлаб шифохоналарда болалар саломатлиги ҳақида ғамхўрлик қилмоқдалар. Физиотерапия ва курортология, гематология ва қон қуйиш институтлари қошида поликлиника бўлимлари, ортопедия ва травматология, гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институтларида болалар стационар бўлимлари мавжуддир. Энг янги техника билан жиҳозланган шаҳар консультация-диагностика поликлиникаси, сут маҳсулотлари ошхонаси болалар ихтисатлаштирилган магазинлари, ўнлаб сут фабрикасининг ишга туширишга ҳозирлик кўриляпти.

Мамлакатимизда йил сайини болалар тарбияси учун қулай шарт-шароитлар яратиб бериш қаратилган кўплаб соцнал-иқтисодий тадбирлар амалга ошириляпти. Бола бир ярим ёшга тўлгунча қўшимча отпуска бериш, никита ва ундан кўпроқ болалари бўлган аёлларга, ёлғиз оналарга имтиёзлар бериш шулар жумласидандир.

Ҳа давлатимиз болалар тўғрисида муттасил ғамхўрлик қиляпти. Мана, ўқув йили ҳам ниҳоясига етмоқда. Ўқувчиларнинг канникулларн даврида уларга шаҳар ташқарисидаги 64 та пионер лагери, 11 та шаҳар пионер лагерн ихтиёр қилади. Бу ярларда поход ва экскурсиялар, спорт мусобақалари уюштирилади. тўгарак машғулотларн олиб борилади. Барабан ва горнларнинг ёқимли садолари уларни баланд тоғ чўққиларига чорлайди. Болаларни дарё соҳилларн, бепоён боғ-роғлар бағри ўзига чорламоқда.

Мамлакатимиз ёш ўрнибосарлар ҳақида оталарча ғамхўрлик кўрсатмоқда. КПСС Марказий Комитетининг апрель (1984 йил) Пленуми ва СССР Олий Советининг биринчи сессияси маъқуллаган умумтаълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари бу ғамхўрликнинг ёрқин далилидир.

Бу ҳужжатда ўсиб келаётган авлодга таълим-тарбия бериш, уларни ҳаётга ва меҳнатга тайёрлаш борасидаги кўп қирралн жараённинг ҳамма томонлари ўз аксини топган. Мактабларимиз олдида янги истиқболлар очилмоқда. Бу истиқболга эса жуда яхши замин яратилган. Уни амалга оширш учун, болаларимизнинг янада бахтли яшашини таъминлаш учун эса бизга тинчлик керак.

1 июнин 1949 йилнинг ноябрь ойида Халқаро хотин-қизлар демократик федерацияси Советининг сессияси қарорига кўра болаларни ҳимоя қилиш Халқаро куни сифатида нишонлашга аҳд қилинган эди. Эзгу ниятли кишилар янги уруш хавфига қарши, тинчлик учун, ўсиб келаётган авлоднинг бахт-саодати учун биргаликда куч-ғайрат сарфламоқдалар.

СЎЗ — ФЕСТИВАЛЬ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМ

Камилло ВИВЕС,
Куба киносанъати институти ходими.



– Биз Куба қинематографчиларининг Совет Иттифоқидаги ҳамкасбларимиз билан ижодий алоқаларимиз доимо мустаҳкамланиб бормоқда. Ижодий ҳамкорликни кенгайтиришда Лотин Америкаси мамлакатлари экран усталари ҳам ўз кино асарларини кенг кўламда намойиш этаётган Тошкент фестивалининг самараси катта бўлмоқда. Биз бу ерда жаҳон кинематографчил а р и билан, айниқса Совет Иттифоқидаги экран усталари билан кўпгина ижодий мулоқотлар олиб бордик. Лотин Америкаси халқлари озодлик курашини тасвирловчи ранг-баранг киноленталар яратиш борасидаги режаларимиз билан ўртоқлашдик.

Мен ва ҳамкасбларим иш олиб бораётган Куба киносанъати институтида ҳам Лотин Америкаси халқлари миллий манфаатлари ва ижтимоий тараққиётига бағишланган қатор лентаплар яратилди. Институтимизда тўртта студия ижодий иш олиб бормоқда. Улар бадиий, ҳужжатли, қисқа метражли ва мультфильмлар ишлаб чиқаради. Бу фильмларнинг аксарияти барча Тошкент фестивалларн экранларида намойиш этилган.

Куба кинематографчилари озодлик оролида революция ғалабаларини мустаҳкамлаш, Лотин Америкаси халқлари қароқчиларча ҳаракатларини лаънатладилар. Митинг қатнашчилари регион мамлакатларининг проблемалари ташқаридан қуролли аралашувсиз фақат тинч йўл билангина ҳал этилиши мумкинлигини таъкидладилар.

(ЎзТАГ).

лар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга, тинчликни сақлаб қолишга таъсир ўтказувчи жуда катта кучдир.

ФЕСТИВАЛЬ КУНДАЛИГИ

Бугун совет ва чет эл журналистлари учун ўтказилган матбуот конференциясида Куба, Австралия, Фил суягн соҳили ва бошқа мамлакатларининг кино делегациялари сўзга чиқишди. Улар фестиваль экранида намойиш этилган фильмлар бўйича журналистларнинг саволларига жавоб беришди.

Кино байрами қатнашчилари ва меҳмонлари Санъат саройида ўзбек ва ҳинд киноматографчилари яратган «Севги афсонаси» фильмининг премьерасида иштирок этадилар.

ЭРТАГА

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик Катта театрида Халқаро кино байрами экранида намойиш этилган энг яхши фильмларнинг муаллифларига жамоат ташкилотлари ҳамда ижодий союзларнинг мукофот ва дипломлари тантанали равишда топширилади. Кечқурун Санъат саройида VIII Халқаро Тошкент кинофестивали тантанали равишда ёпилади.

КАТТА ИЖОДИЙ МАКТАБ

Хуан ЭЛИСОНДО,
режиссёр, Коста-Рика.

– Ўн кундан ортиқ вақт давомида муваффақиятли иш олиб борилиб, уч қитъадаги кинематографчилар учун тақлидий ижодий мактаб вазифасини ўтаган халқаро кино байрами ниҳоясига етяпти. Биз бу ерда олиб борган ижодий мулоқотларимиз «Тинчлик, ижтимоий тараққиёт ва халқлар озодлиги учун курашда кинонинг роли» мавзусидаги мунозаралар ҳар бир экран устасининг келгуси фаолиятида муҳим из қолдиришига аминман.

Фестивалда Лотин Америкаси мамлакатлари экран усталари ҳам ўзларининг картиналарини кенг кўламда намойиш этишга муваффақ бўлдилар. Бу картиналарда Лотин Америкаси халқларининг озодлик кураши тасвирланган. Фестиваль экранида намойиш этилган менинг «Чегарасиз» деб номланган фильмим Никарагуа халқи босқинчиларга қарши миллий ва сиёсий мустақиллик учун олиб бораётган мардонавор кураш ҳақида ҳикоя қилади.

Лотин Америкасидаги бошқа мамлакатлар қатори бизнинг Коста Рика кинематографиясида ҳам эндигина шаклланиб келяпти. Экран усталаримизнинг ўз услубларини шакллантиришда, истеъдодли ва санъатини ижтимоий тараққиётга хизмат қилдиришда Ўзбекистон пойтахтидаги халқаро анжуманнинг даъваткор кучи муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Биз ёш кинематографчилар ўзимизнинг Тошкент анжумани ижодий мактаби қатнашчилари бўлганлигимиздан фахрланамиз. Шунинг учун ҳам фестиваль мезбонларига эҳтиромимиз ва қалб ташаккуримизни билдирамиз.





Тошкент кинофестивали ниҳоясига етмоқда. Аммо Тошкент замнидаги учрашувлар фестиваль қатнашчиларн ва меҳмонларининг, Ўзбекистон пойтахти аҳолисининг хотирасида узоқ вақт қолади.

СУРАТЛАРДА: суданлик кинорежиссёр Гадалла Губара дастхат ёзиб бермоқда; Экваторнал Гвинеядан келган кинорежиссёр Альберто Онго, актриса Федосеева-Шукшина, «Фильм Миррор» журналининг Бош редактори Харбаджан Сингх (Ҳиндистон) тошкентлинлар даврасида.

• *Синоптик шарҳи*

ИЮНЬ ОЙИДА ОБ-ҲАВО ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Июнь ойида ўртача ҳаво ҳарорати май ойига нисбатан 4—6 даража кўп бўлади. Ойнинг кўпгина кунларида кечаси 16—21, кундузи 33 — 38 даража иссиқ бўлади. Ёзнинг саратонини вақти-вақти билан бўлиб турадиган совуқ ҳаво оқимининг Ўрта Осиёга кириб келиши ёз фаслида кутиладиган оддий ҳодиса ҳисобланади.

Ҳарорат пасайган пайтда айрим жойларда момақалдироқ бўлиб, қисқа муддатли ёмғир ёғиб ўтиши мумкин. Ҳаво ҳарорати бундай пайтда кечаси 9—13, кундузи 23—28 даража иссиқ бўлади. Учинчи ўн кунликда шундай об-ҳаво кутилади.

Июнь ойида ёғингарчилик миқдори май ойига нисбатан бирмунча кам бўлади. Тошкент области бўйича ўртача ёғингарчилик миқдори 9—14 миллиметр, тоғли районларда 20—45 миллиметр бўлади.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Пойтахтимизда меҳмон бўлиб турган Франция металлург меҳнаткашлари касаба союзлари халқаро бирлашмасининг бош секретари Аллен Стэрн ва «Рено» заводлари касаба союз комитетининг секретари Муҳаммад Мокгарий Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводида бўлдилар. Меҳмонлар корхона касаба союз ташкилотларининг иши билан танишдилар, ўзларининг мамлакатида ишчилар синфи ҳаракати тўғрисида гапириб бердилар.

●

Республика маданият министрлигига қарашли Ҳамза номли музика билим юртининг ўқувчилари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган ҳисобот концертини «Баҳор» концерт залида намойиш қилдилар. Унда совет ва ўзбек композиторларининг бир қатор асарлари янгради

АДОЛАТЛИ КУРАШНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАБ

Никарагуа халқи билан бирдамликда, Марказий Америкада тинчлик учун курашга бағишлаб 31 май куни Тошкентда бўлиб ўтган митингда АҚШ ҳозирги маъмуриятининг агрессив сиёсатини қаҳр-ғазаб билан қоралашди. Ўзбекистон пойтахти жамоатчилигининг вакиллари, Лотин Америкаси мамлакатларидан келиб Тошкентда олий ўқув юртларида таълим олаётган йигит ва қизлар, бу ерда ўтаётган халқаро кинофестивалъ қатнашчилари халқларнинг империализм кирдикорларига қарши адолатли курашини астойдил қўллаб-қувватлаётганликларини билдирдилар.

— Америка империалистларининг айби билан шу регионда содир бўлаётган фожиали воқеалар совет кишиларининг, планетадаги барча софдил кишиларнинг қалбларини қайғу алам билан тўлдирмоқда,— деди Ш. Р. Рашидов номидаги Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Л. Казанцева. — Америка ҳарбийлари социал ўзгартишлар жараёнини кўпол куч ёрдамида тўхтатиб қолишга интилиб, Гренададаги революцияни қонга ботирдилар. Эндиликда Оқ уй хўжайинлари Сальвадор ва Никарагуа ватанпарварларига қарши эълон қилинмаган уруш олиб бормоқдалар, социалистик Кубага таҳдид қилмоқдалар. Биз бутун жаҳон прогрессив жамоатчилиги билан биргаликда бундай жиноий сиёсатга чек қўйилишини талаб қиламиз!

Митингда сўзга чиққан кишилар АҚШ маъмуриятининг Марказий Америкадаги қароқчиларча ҳаракатларини лаънатладилар. Митинг қатнашчилари регион мамлакатларининг проблемалари ташқаридан қуролли аралашувсиз фақат тинч йўл билангина ҳал этилиши мумкинлигини таъкидладилар.

(ЎзТАГ).

=тонгги газеталарда=

● КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко СССР Олий Совети Президиумининг таклифига биноан визит билан Совет Иттифоқига кёлган Араб Социалистик Уйғониш партияси раҳбарлик органининг аъзоси, Сурия Араб Республикасининг вице-президенти Р. Асадни 31 май куни қабул қилди. Улар ўртасида бўлиб ўтган суҳбат Совет — Сурия муносабатларига хос дўстлик ва самимийлик вазиятида ўтди.

● Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг навбатдаги мажлисида КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил апрель Пленуми, ўн биринчи чақириқ СССР Олий Совети биринчи сессияси қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненко нутқида баён этилган қоидалар ва хулосаларни амалга ошириш борасидаги тадбирлар кўриб чиқилди ва тасдиқланди.

Хатларга мутасадди раҳбарлар жавоби

«Тошкент оқшоми»га

«Хатларда кўтарилган масалаларга партия, совет ва хўжалик раҳбарлари жавоб бериш учун активроқ жалб этилсин.»

(КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида меҳнаткашларнинг хатлари ва таклифларини билан ишлашни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қароридан).

• Йиллик ва қўшимча отпускалар | • *Машина ҳайдовчиларига қулайлик* | • Аҳолининг ҳақли эътирозлари | • *Танқид тўғри деб топилди*



Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллигига тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси чеварлари республикасининг қутлуғ юбилейини залворли муваффақиятлар билан кутиб олиш учун қизғин тайёргарлик кўришмоқда. Бу ерда ўз касбини мукаммал келаётган ёш тикувчилар кўпчиликни ташкил этади. Улар ҳам бригада қаришнинг барча соҳаларида пешқадамлик қилиб мунтазам равишда синига сазовор бўлишмоқда.

СУРАТДА: С. Ҳидоятова ана шундай жонкуяр чеварлардан бири. У ўзига биркитилган топшириқни 110—115 процент сифатли жаришга эришмоқда.

Х. Мирзакаримов фотоси.

• *ГАЗЕТХОН ИЛТИМОСИ*

ОТПУСКАГА ЧИҚМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ...

Отпуска мавсуми бошланди. Тоғлар ва денгиз соҳилларидаги шифохоналар ва дам олиш уйларни меҳнаткашларни чорламоқда. Шу муносабат билан оқшомхонлардан редакцияга келаётган кўпгина отпуска билан боғлиқ саволлар баён этилмоқда. Бугун йиллик ва қўшимча отпускалар бериш тартиби хусусидаги баъзи саволларга Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг штатсиз меҳнат ҳуқуқи инспектори Абдужалил ҲАСАНОВ жавоб беради:

Мен қурилиш банки Собир Раҳимов район бўлимида ўтган йил февраль ойидан бери ишлаяпман. 18 ёшга тўлгунимга қадар тўрт ярим ой ишладим. 18 ёшга тўлганимдан кейин эса етти ярим ой ишлаб, меҳнат отпускасига чиқдим. Отпускам 18 иш кунига тўғри келди. Шу тўғримми?

Г. ТОЖИБОЕВА.

Ўзбекистон ССР Меҳнат Қонунлари кодексига мувофиқ, ишчи ва хизматчиларга биринчи иш йили учун меҳнат отпускаси ишлаётганига ўн бир ой тўлгандан сўнг берилади. Қонунда кўрсатилган айрим ҳолларда, жумладан, 18 ёшга тўлмаган ишчи ва хизматчиларга, запасга бўшаган ҳарбий хизматчиларга (ишга йўлланма билан борганларида) уларнинг илтимосларига кўра, узлуксиз иш 11 ойга тўлмасдан меҳнат отпускаси берилиши мумкин.

Г. Тожибоевага 18 ёшга тўлгунга қадар 4,5 ой ишлагани учун (бир календарь ой ҳисобидан) 12 календарь кун ҳисобида отпускани ташкил этган бўлса, қолган 7,5 ой учун (15 иш куни ҳисобидан) 8 иш кунини ташкил этиб, жами отпуска 20 кундан иборат бўлиши керак. 12 кун календарь ҳисобида олингани учун дам олиш кунлари ҳам шу ҳисобга киради.

Биз Тошкент чинни заводида слесарь-сантехник бўлиб ишлаймиз. Кўп йиллардан бери бизни меҳнат отпускамиз 24 кундан иборат эди. Мана икки йилдан бери 18 кунлик меҳнат отпускаси оляпмиз. Завод енгил саноат министрлигига қарашли бўлгани учун қўшимча отпуска камроқ берилади деб тушунтиришяпти. Бироқ, биз бажараётган иш шароити зарарли. Чунки қудуқ (канализация) ичига тушиб, сув, буғ, кислотага дуч келиб ишлашимизга тўғри келади. Иссиқ цехларда ҳам ишлаймиз. Биз яна 24 кунлик отпуска олишимиз мумкинми?

К. ТЎРҒУНОВ,
С. ИМОМОВ,
А. ҲУСНИДДИНОВ
ва бошқалар.

1974 йилда тасдиқланган Шароити зарарли касбда ишловчилар рўйхатида кўрсатилишича, ер ости иссиқлик ва сув йўллари иншоотларида доимий равишда банд бўлган (назорат ва ремонт қилиш) слесарь-сантехник касбидаги ишчиларга шароити зарарли ишда ишлаганлар қатори меҳнат отпускасига олти иш куни қўшилиб, жами отпуска муддати 18 иш кунини ташкил этади.

Агар чинни заводи слесарь-сантехниклари ер ости газ қувурлари (заводга қарашли)ни ремонт қилиш билан банд бўлсалар, меҳнат отпускаларига 12 иш куни қўшилиб, жами отпуска муддати 24 иш кунини ташкил қилади.

Мен комбинатда электр пайвандчи бўлиб ишлайман. Бажарадиган ишларимиз очиқ усулда бўлиб, «Донбасс» машинаси билан боғлиқ. Бу машинанинг лампочкалари юқори даражада иссиқлик беради. Менга қўшимча отпуска берилиши мумкинми?

Х. АҲМЕДОВ.

СССР Меҳнат ва социал масалалар Давлат комитети ва ВЦСПС Президиумининг 1974 йил 25 октябрдаги тегишли қарори билан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ, очиқ усулда ишлайдиган электр пайвандчилар меҳнат отпускасига олти иш куни қўшилади. Демак, асосий отпуска 15 (12) кунни ташкил қилса, олти кун қўшилиб 18 иш кунини ташкил этади (Қўшимча билан асосий отпуска ҳисобланганда 12 кундан кўрсатилиб, хулоса чиқарилади: 12+6=18).

Мен ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Тошкент Давлат университетининг математика факультетида ўқияпман. Бизда диплом ҳимояси ва давлат имтиҳонлари 15-20 июнда тугайди. Ҳисоб-китоб қилингунча сентябрь ойи бўлиб қолади. Чунки ишдан бўшаш учун икки ой ишлаб беришимиз керак экан. Айтингчи, сентябрь ойига қолмасдан эртароқ ишдан бўшашим мумкин эмасми?

Ж. СОБИТОВ.

Сиз маъмуриятни ўз хоҳишингиз билан ишдан бўшаш ҳақида июнь ойининг охирида эмас, аввалроқ диплом ҳимояси пайтида ёзма равишда огоҳлантириб, қўйсангиз бўлади.

Башарти, ишдан ўз хоҳишингиз билан бўшаш тўғрисида маъмуриятни икки ой олдин огоҳлантириб қўйишга улгурмаган бўлсангиз, ариза ёзган пайтингизда ўз мутахассислигингиз бўйича ишлашни кўрсатиб, маъмуриятдан аризада кўрсатилган муддатда ишдан бўшатишини сўрашингиз керак. Маъмурият сиз келтирган сабабларни узрли деб топиб, илтимосингизни қондириши мумкин.

Мен асбобсозлик заводида металл қуювчи бўлиб ишлайман. Металл 220—300 даражагача қиздириладиган иссиқ цехда меҳнат қиламиз. Меҳнат шароити соғлиққа зарарли бўлишига қарамай, меҳнат отпускаси 15 иш куни этиб белгиланган. Мен ҳақ тўланадиган қўшимча отпуска олишим мумкинми?

Т. АВАЗОВ.

Металл қуювчилик касби оғир шароитдаги иш билан боғлиқ бўлгани учун бундай касб эгаларининг меҳнат отпускасига 12 иш куни қўшилади. Демак, Т. Авазов 24 иш кунидан иборат ҳақ тўланадиган отпускадан фойдаланади.

Биз автобазада аккумуляторчи ва карбюраторчи бўлиб ишлаймиз. Бизга 18 кунлик меҳнат отпускасига чиқасиз дейишяпти. Шу тўғримми?

А. ХОЛМАТОВ.

СССР Меҳнат ва социал масалалар Давлат комитети ва ВЦСПС Президиуми тасдиқлаган рўйхатда кўрсатилишича, аккумуляторчи ва карбюраторчига 12 иш куни ҳисобида қўшимча отпуска берилади. Бундай касб эгаларининг отпускаси жами 24 иш кунини ташкил этади.

УЙИНГИЗДА — ЯНГИ «ЖИГУЛИ»

Мен яқинда «Жигули» автомобили сотиб олган эдим. Бироқ уни обкаткадан чиқариш йўлларидан унча хабарим йўқ. Газетангизда шу ҳақда батафсил маълумот берсангиз.

Ш. АЗИЗОВ, илмий ходим.

Ш. ИБРОҲИМОВ,
«АвтоВАЗ техобслуживание» бирлашмаси инженери.

— Автомобиль қисм ва агрегатларининг ишдан чиқиш сабабларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, уларнинг узоқ муддатда хизмат этишига эксплуатация шароити ва қандай иш режимида ишлаши бевосита таъсир кўрсатади. Бинобарин, ҳайдовчи бу борада охирги ва пассив ролни ўйнамайди. Автомобилдан тўғри фойдаланиш машина қисм ва агрегатларининг ишончлилиги ҳамда узоқ муддатга ишга яроқлилигини таъминлайди.

Автомобиль «саломатлиги»ни яхши сақлаш учун уни ишлашга ўргатиш муҳим аҳамият касб этади. Биринчи юз ва минг километр мобайнида унга диққат билан «ғамхўрлик» кўрсатиш ва уни «парвариш» қилиш ўзаро бириккан қисмларни нормал ҳолда ишлашга олиб келади, рухсат этилмайдиган кучланишларни истисно қилади, двигателни энг соз иссиқлик иш режимини таъмин этади. Биринчи 1500 километр-автомобиль эксплуатациясининг энг муҳим даври ҳисобланади. Бу даврда автомобилдан пала-партиш, эҳтиётсизлик билан фойдаланиш унинг қисм ва агрегатларини тез ишдан чиқишига олиб келади.

Биринчи 2000—3000 километр йўл юриш мобайнида автомобилнинг эксплуатация қилиш қўлланмасида кўрсатилган рухсат этилмайдиган чекланишларни яхшилаб ўрганиб чиқинг. Совуқ моторни ишга тушириш вақтида двигатель тирсакли валини юқори оборотда ишлашига йўл қўйманг. Тахометр билан жиҳозланган «Жигули»нинг тахометр стрелкаси сариқ белги зонадан (тирсакли валнинг айланиши минутига 4000 дан) оширмаслик керак. Кўп қорли, қумли ёки лой ва қия тепаликлардан юрмасликка ҳаракат қилинг. Прицепни буксирга олиш ва багажникда оғир юк олиб юришдан сақланинг. Тормоз колодкасини яхши ишга тушириб олишни таъминлаш учун кескин тормоз беришга йўл қўйманг. Эксплуатация қилишнинг биринчи кунларида ғилдираклардаги ҳаво босимига алоҳида диққат беринг. Ғилдираклар босимини йўлга чиққан вақтда текшириш тавсия этилмайди. Чунки автомобиль ҳаракати вақтида шиналар қизиб юмшайди ва уларнинг босими кўрсатилган нормадан 0,2—0,4 атмосфера юқори бўлади.

Ҳар қандай двигатель тўртинчи передачада автомобилнинг тезлиги унча юқори бўлмаган пайтда газ педалини кескин босиб, максимал тезликка эришиш жараёнини ёқтирмайди. Узоқ муддатда уни шу тарзда эксплуатация қилиш клапан - ричаг-тақсимлагич, вал, кнематик схемани тез ишдан чиқишига олиб келади. Бунинг учун ҳаракатланиш шароитига мувофиқ равишда узатиш қутисининг пастки передачасига ўтинг. Шаҳар шароитда учинчи передача ишчи передача эканлигини эсдан чиқарманг. Двигателга заводда қуйилган ёғни алмаштирманг. Ҳар 500 километрдан сўнг мой даражасини текшириш тавсия этилади. 1500—2000 километрдан кейин мойни алмаштиришга рухсат берилади. Обкатка даврида газ педалини охиригача босиб юқори тезликда юрманг. 500 километргача йўл юриш мобайнида автомобиль тезлигини 1-передачада 20 километр-соат, 2-передачада — 40, 3-передачада —60 ва 4-передачада —90 дан оширманг. 500 дан 2000 километргача са мувофиқ равишда 30, 50, 70 ва 110 километр-соатдан ошмаслиги керак.

Юқорида эслатиб ўтилган кўрсатмаларга риоя қилиш — автомобилнинг турли хил қисм ва агрегатлари мустаҳкамлигини таъминлашнинг гарови бўлиб хизмат этади. Обкатка вақтида автомобилни оғир йўл шароитига қанча кўп «чиниқтирилса» шунча яхши, деган фикр мутлақо хатодир.


ШАХСИЙ МАШИНА УЧУН БЕНЗИН

Яқинда Сирдарё шаҳрига борганимда бозор фонди учун чиқарилган бензин талони сотиб олган эдим. Тошкентдаги 20-автозаправка станциясига бориб, уни кўрсатган эдим, менга хизмат кўрсатишни рад этишди. «Талонни қаердан сотиб олган бўлсангиз, машинангизни ўша ерда заправка қилинг» дейишди. Улар ҳақми?

Р. ЛУЗИН.

Ф. БАХТИОЗИН,
Узбекистон ССР нефть маҳсулотлари таъминоти бўйича Давлат комитети чакана савдони ташкил этиш бўлими бошлиғи.

— КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1983 йил 5 августдаги халқ хўжалигида автотранспорт воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, автомобиль транспортида юк ташишда ошириб ёзишга қарши курашни кучайтириш ва ёнилғи-мойлаш материаллари сақланишини таъминлаш юзасидан чиқарилган қарори асосида СССР Нефть маҳсулотлари таъминоти бўйича Давлат комитети 1983 йил 29 сентябрда 208-буйруқ чиқарди. Унда 1983 йил 1 октябрдан бошлаб, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, 1984 йил июль ойидан бошлаб ҳамма жойда хусусий транспорт эгаларига бензинни фақат нақд пулга сотилиши юзасидан кўрсатма берилган. Ана шу буйруқ асосида Тошкентдаги олтита бензин қуйиш станциясида хусусий транспорт эгаларига нақд пулга бензин сотилаяпти. Тошкентда 1984 йилда чиқарилган бозор фонди талонларига бензин берилмаганининг сабаби шундаки, бундай талон фақат оз миқдорда республика областлари савдо корхоналарида сотилган, Тошкентда эса бутунлай сотилмаган эди. Аҳолининг қўлида ана шундай талонлар борлиги эътиборга олиниб, 20-автозаправка станциясида кўчма станция ташкил этилди. Хусусий автотранспорт эгалари бу ерда бозор фонди талонлари билан бензин олишлари мумкин.



ЛЕНИН ЗИЁРАТГОҲИ

Пойтахтимиз марказидаги бу муҳташам бино ҳар бир кишининг дилига жуда яқин. Бу бино — 60 йиллигини нишонлаган В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалидир. Бу ерга келаётганларнинг кети узилмайди. Серқуёш Ўзбекистоннинг турли бурчакларидан келаётганлар ҳам, пойтахт аҳолиси ва чет эллик меҳмонлар ҳам доҳий музейининг бебаҳо тарихий ёдгорликлари билан, В. И. Ленининг ҳаёти ва революцион фаолиятига онд ҳужжатлар, фотосуратлар, материаллар билан гоят қизиқиб танишмоқдалар.

ОМОНАТ КАССА ВА ЖАМҒАРМА

Мен омонат кассасига пул қўйишнинг турлари ҳақида билмоқчи эдим. Умуман омонат кассасига пул қўйишнинг қандай қоидалари бор?

М. ИНОҒОМОВА, Матлубот кўчаси, 148-уй.

А. ИМОМХЎЖАЕВ,
СССР Давлат Меҳнат омонат кассалари Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

● **Пул-буюм ютуқлари жамғармасида** йиллик жамғарманинг 2 процентли ютуқ тариқасида пул ҳисобида ёки буюм ҳисобида тўланади. Ютуқлар тиражи 1 йилда икки марта, яъни апрель ва октябрь ойларида ўтказилади. Тираждаги шахсий счётларнинг ҳар бир мингтасига 25 тадан ютуқ чиқади. Ютуқларнинг биттаси 200 процентли, иккинчиси 100 процентли, иккитаси 50 процентли ва 20 таси 25 процентли бўлади. Олти ой ичидаги ўртача жамғарма 5000 сўмдан ошиб кетиши мумкин эмас. Лекин омонатчига битта ва бир нечта омонат кассасига ўзининг шахсий счётини хоҳлаганча очиш ҳуқуқи берилади. Ютуқ ўрнига олиниши керак бўлган буюмларнинг рўйхати билан ҳар бир омонат кассада танишишингиз мумкин. Ютуқ ўрнига буюм оладиган омонатчиларга мақсадли тўлов чеклари берилади.

● **Узоқ муддатли** жамғарма ками билан 1 йил муддатга қабул қилиниб, ютуқ йиллик жамғармадан 3 процент ҳисобида тўланади. Бу узоқ муддатли жамғармани ташкил қилиш учун омонатчи ўз истагига кўра шахсий счётини нақд пул билан ёки аризасига асосан иш жойидаги бухгалтерия орқали очиши мумкин. Кейинчалик қўйиладиган жамғармалар 100 сўмдан кам бўлмаслиги керак.

Қўйилган жамғарма омонатчининг талабига кўра ҳаммаси қўшимча процентлари билан берилади. Омонатчи бир йил ўтгандан кейин ўз жамғармаси устидаги процентини олиб туриш ҳуқуқига эгадир. Жамғарма агарда омонат кассада бир йилдан кам турган бўлса у ҳолда процент тўланмайди.

Пулни омонат кассаларда бундай йўл билан жамғаришингиз мамлакатимизнинг турли жойларига бориб дам олишингизда, рўзғорингиз учун керакли бўлган қимматбаҳо буюмларни харид қилишингизда жуда қўл келади.

2 ТОШКЕНТ ВЕЧ. ОҚШОМИ
1 ИЮНЬ, 1984 й.

• НИКОҲ ВА ОИ

Никоҳ қай ҳолларда бекор қилинади

Ўғлимиз Илҳомжонни не орзу-умидлар билан уйлантирдик. Лекин орадан кўп ўтмай келин ва куёвнинг ораларидан «шук» ўтиб қолди. Ҳар куни жанжал. Ўғлим «ажрашиб, туриб олямиз. Келин ҳам рози. Ҳали фарзандлари йўқ. Ажримиз» тўғри келмаяпти, деб баҳона қилишяпти. Ана шу никоҳ қай ҳолларда бекор қилиниши мумкин?

С. ТОЖИБОЕВ, меҳнат ветерани, Куйбишев.

М. МИРЗУФАРОВ,
Куйбишев район халқ суди судьяси.

— Никоҳ эр-хотининг умрбод тузган иттифоқи бўлса-да, ҳаётда учрайдиган кўнгилсиз ҳодисалар унинг барвақт бекор этилишига сабаб бўлади.

Эр-хотиннинг ҳаётлигида никоҳ улардан бири ёки иккаласининг аризасига мувофиқ ажралиш йўли билан бекор қилиниши мумкин. Лекин хотиннинг ҳомиладорлигида ва бола туғилганидан кейин бир йил мобайнида эр никоҳдан ажралиш тўғрисида хотиннинг розилигисиз ариза беришга ҳақли эмас.

Никоҳдан ажралиш ишлари район (шаҳар) халқ судларида умумий гражданлик ишлари тартибида кўрилади. Суд одатда эр-хотинни яраштириш чораларини кўради. Шу мақсадда суд ишнинг кўрилишини бошқа вақтга қолдириб, эр-хотинга яраштирувчи олти ойгача муҳлат белгилашга ҳақли. Агар суд эр билан хотиннинг бундан буён бирга яшашига ва оилани сақлаб қолишига имконият йўқ деб топса, уларни никоҳдан ажратади.

Никоҳдан ажратиш тўғрисида ҳал қилувчи қарори чиқарилаётганда суд вояга етмаган болаларнинг ва меҳнатга лаёқатсиз эр ёки хотинининг манфаатларини ҳимоя қилади. Шу мақсадда тўланадиган таъминот (алимент) суммасини белгилайди, умумий мулкларини бўлиб беради.

Никоҳдан ажралиш масаласини баъзи ҳолларда ЗАГС органи ҳам ҳал қилиши мумкин. Жумладан, вояга етмаган болалари бўлмаган эр ва хотин ўзаро ажралишга рози бўлсалар, ЗАГС органига биргаликда ариза берадилар. ЗАГС бундай аризани олганидан сўнг уч ой ўтгач, никоҳдан ажралишни расмийлаштиради ва бу ҳақда гувоҳнома беради. Бу ҳолда улардан 50 сўм миқдорида давлат пошлинаси ундирилади. Агар вояга етмаган болалари бўлмаган эр-хотин никоҳдан ажралмоқчи бўлсалар-у, лекин улардан бири меҳнатга лаёқатсизлиги ва муҳтожлиги учун таъминот талаб қилгани, ёки умумий мулкни бўлиб олишлари муносабати билан ўзаро низолари ажралишга тўсқинлик қилса, Судга мурожаат қилмасдан ажралишга ҳақли.

1) агар эр-хотин қонун билан белгиланган тартибда рўйхатга олинган бўлса;

2) агар эр-хотиннинг умумий фарзандлари бўлмаса, ёки қонун билан белгиланган тартибда фарзандликка олинган болалари бўлмаса;

3) агар эр-хотин содир қилинган жиноят учун жазо муддатини ўтаётган бўлса.

Бу ҳолларда ҳам ажралишга аризани эр ёки хотин беради. Лекин болалар ҳақидаги умумий низони бўлиб олишга, ҳаёт мутахассислигини ва меҳнатга лаёқатсизлигини, хотининг ҳомиладорлиги учун маблағ ҳақида низо чиқса, никоҳдан суд ажратилади.

• Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

ОЛДИНЛАРИ ТЎХТАР

65-«э» маршрутли автобус олдинлари 33-поликлиникадан ўтиб, ҳозир ана шу бекатда тўхтамасдан ўтиб кетяпти. Бунинг сабаби нимада?

2-Қорақамиш массиви, 4-микрорайон, 46-«а» уй, 14-квартирадан Қ. СОДИҚОВА.

У. РАЖАБОВ,
«Главташпассавтотранс» бошқармасининг 5-автобус парки директори.

—2-Қорақамиш массивининг 4-микрорайонидан Революция хиёбонига қатнайдиган 65-«э» маршрутли автобус боришда 13 та бекатда, қайтишда эса 12 та бекатда тўхтаб ўтиши шарт. Олдинлари бу қоидага баъзи шофёрлар итоат қилмасдан, дуч келган бекатда йўловчиларнинг илтимосига кўра тўхташаверади. Бугунги кунда, назорат кучайтирилганлиги натижасида бунга барҳам берилди. Газетхон хатида кўрсатган бекатда 65-«э» автобусининг тўхтаб ўтиши мумкин эмаслиги сабабли бекатда йўловчилар ҳам энди бу бекатда тўхташи керак. 65-«э» маршрутли автобус ҳайдовчиларидан суҳбат ўтказилди. Уларга яна бир бор бекат белгиланган жойларда тўхташлари ва 65-«э» маршрутли автобусларнинг тўхташ пунктларини кўрсатиб берилди.

• «Тошкент оқшоми»га жавоб беради

«СУТ МУАММОСИ»

Шу йил 23 апрелда «Тошкент оқшоми»да юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола босилган эди. Унда аҳолини сут маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш зарурлиги масаласи кўйилганди.

Мазкур мақола бўйича республика Гўшт ва сут саноати министрлигидан қуйидагиларни маълум қилишди:

«Тошкент оқшоми»да босилган «Сут муаммоси» мақоласи министрликда муҳокама қилинди. Ҳақиқатда, шу йил апрель ойининг дастлабки ўн кунлигида сут тайёрлашда қолоқлик юз берганлиги ва сут порошоги келтиришда узилишлар рўй берганлиги оқибатида Тошкентнинг савдо тармоқларига сут маҳсулотлари етказиб бермаслик ҳоллари юз берди.

Тошкент сут саноати бирлашмаси колхоз ва совхозлардан, шунингдек аҳолидан сут сотиб олишни кўпайтириш бўйича қўшимча чоралар кўрди. Бирлашмага қўшимча юз тонна сут порошоги ажратиш имконияти қидирилиб топилди.

Бундан ташқари ликмини бошқа ларидан пойтах маҳсулотлари ке кўпайтирилди.

Кўрилган чора тижасида ишлаб рниш ҳажми ва аҳолисига сут ва бериш планини даражасига етк рель-май ойлар маҳсулотлари бериш ва қолоқлик бартараф ди.

Республика ва сут маҳсулотлар зиб беришни ор лик муносабати қилиб турибди.

Н. НАЗАРОВ, Ўзбекистон ССР ва сут саноати министрининг ўринбосари.

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ЭКРАНИ

• *Мухбиримиз билан суҳбатда*

Унутилмас учрашувлар

Режиссёр Вади Ўсфининг номи Сурия томошабинларига ҳам, жумла мамлакатлар-ги кино усталарига ҳам яхши маълум... ган картиналар ҳалқаро сов-тида олишга му-ваффақ бўлган, Сурия ҳам мамлакат-да муваффақият би-лан намойиш этилган. Ўз ижодий йўли ҳа-қида гапириб:

— Ўзимдаги барча ҳаяжонли фазилатлар учун Бутуниттифоқ кине-матография институти-га, ижодий устозим, режиссёр Сергей Герасимовга миннатдорман, — деди у. — Мен Москва-ни биринчи бор келиб, ундаги ажойиб инсти-тутнинг биносига қадам қўйганимдан буён анча йиллар ўтиб кетди. Шунга қарамай, бу кунни Тош-кентга биринчи сафар келган кунимдек ас-ло унутмайман. Бу икки шаҳар менинг экран санъатидаги тақ-дирим билан чамбар-час боғлиқ, айни ана шу шаҳарлар мен учун катта санъатга йўлланма берган.

— VI Халқаро Тошкент кинофестивалида Сизнинг «Қопқон» деб номланган картинангиз катта муваффақият билан намойиш этилган эди... Бу гал ҳам картина олиб келдингизми?

— Бу сафарги анжуманга мен Сурия кино делегацияси сафида келдим. Янги картинам устидаги ишлар давом этаётганли-ги туфайли ҳозирча фестиваль экранига фильм тавсия этганим йўқ. Ўйлайманки, бу картинамни навбатдаги Тошкент фестивали томошабинлари эътиборига ҳавола этаман. Шуни алоҳида таъкидлашим керакки, Тошкент анжуманидек катта кино байрамида иштирок этишнинг ўзи биз учун жуда катта воқеа. Бу ердаги ҳамкасблар учрашуви, «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун кураш-да кинонинг роли» деган мавзуда ўтадиган мунозаралар, тажриба алмашишлар янги ижодий муносабатларни қарор топтиришда, фильмлар алмашишда муҳим роль ўйнайди.

Масалан, биз ҳар йили 15 дан ортиқ совет фильмларини сотиб оляпмиз. «Совэкспортфильм» билан ўзаро шартнома асосида олаётган картиналаримиз сони яқинда 200 тага етади. Бизнинг мамлакатимизда «Солдат ҳақида баллада», «Халоскорлик», «Солдат отаси» ва бошқа картиналар жуда машҳурдир.

Бу галги фестивалда ҳам биз кўпгина совет фильмларини томоша қилишга муваффақ бўлдик. Ҳар галгидек совет экран усталари яратган янги картиналар бизда катта таассурот қолдирди. Бу фикрни «Ўзбекфильм» киностудиясида яратилган. «Даҳонинг ёшлиги» картинаси хусусида ҳам айтиш мумкин. Режиссёр Элёр Эшмуҳамедов жуда ажойиб картина яратган.

Мен ўзимнинг ўзбекистонлик ҳамкасбларимга, СССРдаги барча кинематографчиларга янги ижодий парвозлар тилайман. Бизни самимий кутиб олган, меҳмондўстлик кўрсатган, фестиваль-нинг муваффақиятли ўтиши учун барча шарт-шароитлар яратган тошкентликларга миннатдорчилик билдираман.

• СЎЗ—ФЕСТИВАЛЬ ҚАТНАШЧИЛАРИГА



Диёрингиз мафтуниман

С. КУШЕВСКИЙ,
«Кино» журнали ходими, киношунос, Польша Халқ Республикаси.

— Тошкентда Халқаро киноанжуман бошланиши арафасида Польша Халқ Республикасининг пойтахтида нашр этилаётган «Кино» журналида бу ҳақда байраминнинг ҳалқаро аҳамияти тўғрисида қизиқарли мақола эълон қилдик. Мен фестивалда меҳмон сифатида иштирок этиб, журналнинг кейинги сонларига бу ердаги ажойиб учрашувлар, қизғин ижодий мунозаралар, фестиваль фильмлари ҳақида мақола тайёрладим. Унда фестивалда иштирок этаётган кино намояндаларининг Ўзбекистон пойтахти ҳақидаги таассуротлари, Тошкентнинг фестиваль қиёфасидаги гўзал манзаралари ҳам ўрин олади.

Мен бундай катта анжуманда биринчи бор иштирок этаяпман. Фестиваль программасидаги маданий тадбирларда қатнашиб, Тошкент ва Самарқанднинг гўзал меъморчилик обидаларини кўришга, икки минг йилдан кўпроқ умр кўрган бу қадимий шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилишга муваффақ бўлдим. Фестиваль тадбирларининг пухта ташкил этилганлиги, бу ерда жаҳоннинг юзга яқин мамлакатларидан келган кино санъаткорлар ижодий иш олиб бориши учун барча шароитлар яратиб берилганлиги таҳсинга сазовордир. Айниқса фестивалга атаб тайёрланган махсус совғабоп буюмлар бизга манзур бўлди. Улар Ўзбекистон пойтахтидаги ажойиб учрашувлардан яхши хотира бўлади.



Курашчан санъат

Закиё ДАМАЖ,
киноактриса, АДР

— Афғонистон Демократик Республикаси кинематографияси ҳам айни чоқда курашчан санъатдир. Афғон инқилоби қўлга киритилиши биланоқ миллий кинематография ҳам ривожлана бошлади. Менинг кўпгина ҳозирги ҳамкасбларим Москвадаги Бутуниттифоқ Давлат кинематография институтида таълим олишган ва малҳорат эгаллашган. Масалан, режиссёр Вали Латфий машҳур совет санъаткори Михаил Ром ижодхонасида таълим олди. Бундан ташқари ўзбек киноусталари билан ҳамкорликда «Афғонистон: инқилоб давом этади» ҳужжатли фильми суратга олинди. Ҳозирги пайтда республикамиз кино арбобларининг барчаси ёш демократик республиканинг бугунги яратувчилик жўшқин кунлари ҳақида, инқилоб ғояларини ҳимоя қилиш тўғрисида фикр юритувчи фильмларни яратмоқда.

28 май куни кинофестиваль программасига биноан сизнинг Санъат саройингизда «Қочиш» фильмининг премьераси бўлди. Бу ерда томошабинлар билан бўлган учрашувда ана шу фильмнинг сценарий муаллифи ва режиссёри Абдул Латиф, операторн Қодир Тоҳирий, артистлар Анвар Ризозода ва Носир Азиз иштирок этдилар.

• ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

БИЛИМЛАР ОЛАМИДА

Ун йилдан буён Тошкент Давлат маданият институти доценти Матлуба Яҳёевна Носирова кутубхоношунослик факультети талабаларига марксизм-ленинизм асослари асарларининг тарғиб қилишнинг форма ва методлари ҳақида таълим бериб келмоқда.

М. Носированинг ҳаёти мана 35 йилдирки китоблар билан боғлиқ. У кутубхоначи, сўнг библиограф, сектор мудири, бош библиограф бўлиб ишлади. А. Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат кутубхонаси миллий библиография бўлимига мудирлик қилди.

Ўзбек аёллари ўртасида биринчи бўлиб Москва Давлат кутубхоначилик институтининг (ҳозирги Москва Давлат маданият институти) сиртқи бўлимини муваффақиятли тамомлади, кутубхоначилик ва библиография билимлар оламига янада чуқурроқ кира бориб, ўзи тузаётган библиографик қўлланмаларининг снёсий-илмий мазмундорлигини оширди.

Республикада библиография ишини ташкил қилиш ва ривожлантиришда жонбозлик кўрсатган А. И. Агеев, Е. Д. Свидина, Е. К. Бетгер, Н. Г. Умаров сингари устозларининг бой тажрибасига таянган ҳолда фундаментал ва оригинал библиографик кўрсаткичлар тузди. Ҳозирга қадар М. Носирова 100 дан ортиқ библиография тайёрлади. Бу эса Ўзбекистонда уруш ва кейинги даврда юзага келган барча библиографияларнинг ярмини ташкил этади. Улар олимлар, мутахассислар, кўп сонли китобхонлар учун кундалик қўлланма бўлиб қолди.

Матлуба Носирова «Ўзбекистон» йиллиги кўрсаткичи, 1200 дан ортиқ адабиётларни ўз ичига олган «Ўзбекистон адабиёти», шунингдек «Ўзбек адабиёти ва адабиётшунослиги», «Ўзбекистонлик Ленин, Давлат ва комсомол мукофотлари лауреатлари», «А. Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат кутубхонасига 100 йил» каби библиографик ва илмий ишлари учун СССР Маданият министрлигининг Н. К. Крупская медали билан тақдирланди.

Таниқли библиограф, фахрли касб эгаси Матлуба Носирова Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими унвони, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган.

Б. КАРИМОВ,
Тошкент Давлат маданият институтининг доценти.

Спорт кундалиги

● Тошкентлик халқаро классли спорт устаси, спорт мастери Рустам Ямбулатов Митишчида ўтказилган мерганлик бўйича «Динамо» кўнгилли спорт жамияти мусобақаси Советининг биринчилигида 200 имконийтдан 200 очко тўплашга муваффақ бўлди. Бу ҳам шаҳримизнинг бу йилги кўрсаткичлари иккинчи йирик ғалабасидир.

● Тошкентда шахмат бўйича аёллар ўртасида ўтказилган республика чемпионати якунланди. Энг кўп очко тўплаган Ольга Кенз республика чемпиони унвонини қўлга киритди ва СССР чемпионатининг саралаш босқичларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди.

● Шахмат бўйича область касаба союзлари Советининг биринчилигида 21 команда қатнашди. Умумий ҳисобда халқ маорифи ходимлари касаба союзлари командаси биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўринга эса олий партия мактаби ва илмий муассасаларнинг вакиллари кўтарилишди. Шахсий ҳисобда тошкентлик Лариса Пинчук биринчи ўринни эгаллади. Эркаклар ўртасида Марк Рудофер ва Тимур Салохов бир хил очко тўплаб 1—2 ўринни эгаллашди. Учинчи ўринга Вячеслав Аъзамов кўтарилди.

● Тошкентнинг «Автомобилист» командаси яқин кунларда СССР Кубоги баҳсларини бошлайди. Аёллар турнирида 12 команда қатнашади. Улар уч кичик группага бўлинган. Сентябрь ойининг охирида ярим финал учрашувлари бўлади. Ярим финалда ҳар бир группада икки пешқадам аниқланади. Ана шу пешқадам командалар кейин асосий соврин учун баҳсни давом эттирадилар.

● Жиззахда мерганлик бўйича республика чемпионати якунланди. Доира стендини мўлжалга олишда армиячилар биринчи бўлишди. Иккинчи ўринни эса «Спартак» кўнгилли спорт жамиятининг вакиллари эгалладилар. Шахсий ҳисобда 200 имконийтдан 185 очко тўплаган Александр Амелин ғолиб чиқди. Унинг командадоши Никита Федоров иккинчи бўлди. Тошкентлик Сергей Игнатов бронза медали билан тақдирланди.

Иккинчи машқни бажаришда ҳам тошкентлик армиячиларнинг устунлиги яққол кўзга ташланиб турди. Шу жамиятнинг вакили Юрий Копилов чемпион унвонини қўлга киритди. Рустам Маханов ва Риза Малахов кумуш ҳамда бронза медали билан тақдирландн.

● Москвада байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича ўтказилган халқаро мусобақаларда тошкентлик Эдем Муродосилов муваффақиятли қатнашди. У командадоши Иван Ковальчук билан бирга биринчи ўринни эгаллади. Юрий Соболев эса учинчи совриндор бўлди.

● Ленинакан шаҳрида «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамияти марказий Советининг биринчилиги учун классик кураш бўйича ўтказилган беллашувларда тошкентлик полвонлар яхши қатнашдилар. Павель Милов ва Дамир Гариков ўз вазн тоифаларида чемпион унвонини қўлга киритдилар. Диловар Сулаймонов эса бронза медали билан тақдирландн.

ЯНГИ РУБРИКА:

БУГУН—БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ХАЛҚАРО КУНИ

ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР

БОЛАЛИ АЁЛЛАРГА ИМТИЁЗЛАР



«Оналар ва болалар». Ушбу янги рубрика остидаги туркум материаллар редакцияга асосан оналардан келган хатлар асосида тайёрланади ва газета саҳифасида изчил бериб борилади. Оналик ва болаликнинг муҳофаза этилиши билан боғлиқ савол-жавобларга кенг ўрин берилади.

Муҳтарам оналар! Ишхонангиз да, бирор идорага қандайдир иш билан борганингизда, жамоат жойларида Сизга қандай муносабатда бўлишади? Болалар боғчалари, мактабларнинг ўқитувчилари билан алоқангиз қандай? Ана шу каби масалалар кўтарилган она ва бола мавзуидаги хатларингизни кутамиз.

Оналар! Сизни яна қандай саволлар қизиқтиради? Бизга албатта ёзиб юборинг.

Бугун оқшомхонларнинг хатларига қармаси бошлиғи Мунаввар Ориповна Тошкент шаҳар социал таъминот бошқармаси ОРИПОВА жавоб беради.

Мен 54 ёшга тўлдим. Беш фарзандим бор. Ҳозир меҳнат фаолиятимни давом эттиряпман. Иш стажим ўн ярим йил. Пенсияга чиқишда қандай имтиёзлардан фойдаланишим мумкин?

М. САДИРЖОНОВА.

— Умумий қоида асосида бериладиган қарилик пенсияси аёлларга 55 ёшга тўлганда, меҳнат стажи камида 20 йил бўлганда бериладн.

Беш ва ундан кўпроқ боласи бўлган ҳамда уларни саккиз ёшгача тарбиялаган оналарга пенсия ёши ва меҳнат стажи беш йил камайтирилган. Шуни ҳам айтиш керакки, 1981 йилнинг 1 ноябридан бошлаб, бундай оналарга 55 ёшга тўлганда тўлиқсиз иш стажи билан, агар улар камида 5 йил ишлашган бўлса, иш вақтида пенсия ёшига тўлиши ва пенсия олиш учун мурожаат этилган пайтда уч йиллик узлуксиз иш стажи бўлиши талаб этилмасдан қарилик пенсияси белгиланади.

Ҳозир 50 ёшдаман. Етти фарзандим бор. Меҳнат стажим етти йилдан ошди. Менга тўлиқ бўлмаса ҳам камроқ миқдорда пенсия белгиланиши мумкинми?

З. МУҲАММАДАМИНОВА.

— Юқорида айтилгандек, беш ва ундан ортиқ боласи бўлган, уларни саккиз ёшгача тарбиялаган оналар 50 ёшда 15 йиллик меҳнат стажи бўлса пенсияга чиқишлари мумкин. Бундай оналарнинг иш стажи тўлиқсиз, яъни 15 йилдан кам бўлса 55 ёшга тўлганда қарилик пенсиясига чиқа оладилар. Бунда камида беш йил иш стажи бўлиши талаб этилади.

Демак З. Муҳаммадаминованинг иш стажи ҳозир пенсияга чиқиши учун етмайди. Шу боисдан у 55 ёшга тўлганида қарилик пенсияси белгиланиши мумкин.

Онламизда фарзанд туғилди. Бола туғилганлиги муносабати билан бир йўла бериладиган нафақани олиш учун ишхонага қандай ҳужжатларни тақдим этишим керак?

Г. ШЕРМУҲАММЕДОВА.

— Ота-она бола туғилганида бир йўла тўланадиган нафақани олиш учун касаба союз комитетига ЗАГС томонидан бола туғилганлиги ҳақида берилган справкани тақдим этади. Иккинчи ва учинчи бола туғилганида эса тегишлича, биринчи ва иккинчи боланинг туғилганлик гувоҳномаси асл нусхаси ва копияси тақдим этилади.

Касаба союз комитетининг социал страхование бўйича комиссияси шу ҳужжатлар асосида нафақага бўлган ҳуқуқини, унинг миқдорини белгилайди ва ЗАГС справкасининг орқа бетига нафақа белгилаш ҳақида тегишли ёзув ёзади. Шундан кейин ҳужжатлар нафақа олувчига қайтарилади. У ҳужжатларни корхона ёки ўқув юртининг ҳисоб-китоб бўлимига топширади. Тайинланган нафақа шу куниёқ тўланади.

Мен тўртинчи фарзанд кўрдим. Бир йўла бериладиган 100 сўм нафақани олиш учун ишхонамга мурожаат этган эдим, улар рад этишди. Тўртинчи бола учун 100 сўм тўланмайди, эски қонда бўйича 65 сўм оласиз дейишди. Шунисн ҳам борки, 1982 йил туғилган учинчи фарзандим учун ҳам нафақа олмаган эдим. Фарзандларим учун нафақа олиш мақсадида қайси ташкилотга мурожаат этишим керак?

Н. ЗОҲИДОВА.

— Бир йўла тўланадиган нафақа корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан социал страхование маблағлари ҳисобидан фақат биринчи, иккинчи ва учинчи бола туғилганда тўланади. Тўртинчи ва бундан кейинги ҳар бир бола туғилганида бир йўла тўланадиган нафақа социал таъминот органлари томонидан берилади. Бунда тўртинчи фарзанд туғилганда — 65 сўм, бешинчи — 85, олтинчи —100 сўм, еттинчи ва саккизинчи — 125 сўм, тўққизинчи ва ўнинчи — 175 сўм, кейинги ҳар бир бола учун 250 сўмдан бир йўла нафақа берилади. Эгизаклар туғилганда ҳар бир бола учун 100 сўмдан тўланади.

Юқоридаги хат автори район социал таъминот бўлимига мурожаат этиши керак. Бу аёлга учинчи ва тўртинчи болалар учун нафақа белгиланади. Учинчи бола учун нафақани бола туғилгандан кейин беш йил мобайнида олиш мумкин.

Маълумки, бола бир ёшга тўлгунча уни боқиш учун отпуска пайтида онага 35 сўм миқдорида ҳақ тўланади. Биз эса эгизак фарзанд кўрдик. Менга ҳам 35 сўм миқдорида ҳақ тўлашяпти. Ҳар икки фарзанд учун алоҳида-алоҳида 35 сўмдан, жами 70 сўм тўланиши керак эмасми?

Р. ИСҲОҚОВА.

— Қоидага кўра, камида бир йил умумий меҳнат стажига эга бўлган ишлаётган оналарга ва ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиётган оналарга бола бир ёшга тўлгунча уни боқиш учун отпуска пайтида қисман ҳақ тўланади. Бунда болалар сони эътиборга олинмайди.

Шуни унутмаслик керакки, бир йўла тўланадиган нафақа бундан мустасно, икки ёки ундан ортиқ бола туғилганида ҳар бир бола учун 100 сўмдан бир йўла нафақа тўланади.









Бахтиёр болаларимиз чеҳраси гулгун, ғунча дабларида доим табассум ўйнайди. Уларнинг мураббийси Сапура Зондова (юқорида) болаларга қизиқ-қизиқ эртаклар ўқиб беради. Мавлуда Ҳошимова (ўнгда) ўзи тарбиялаётган группа болаларига гулларни танишгирмоқда. Қувноқ ўсаётган бу болалар шаҳримиздаги 188-боғчада тарбияланишяпти.

Р. Альбеков фотолари.

ЛУҚМА

ҒОЙИБ БЎЛГАН ИШХОНА

Ишхонангиз бўлса-ю бирдан йўқолиб қолса ёмон бўлар экан. «Мен шунақа ёмон аҳволга тушиб қолдим. Тупа-тузук ишхонамнинг йўқолишига фарзанд кўришим сабаб бўлди, — деб ёзади Киров районининг Цветочная кўчаси 1-проездидаги 2-уйда яшовчи М. Мажидова. — Илтимос, ишхонамни топиб беринг!».

Гап шундаки, М. Мажидова ТошМИ иккинчи клиник касалхонаси қошидаги ташкилий-методика бўлимида ишлар эди. Ўтган йилнинг май ойида фарзанд кўрди ва бола бир ёшга тўлгунича ўз ҳисобидан отпуска олди. Ноябрь ойидан у барча оналар қаторн ҳуқуматимиз берган янги имтиёздан фойдаланиши, яъни унинг қолган отпуска даври учун қисман ҳақ тўланиши мумкин эди. Аксига олиб худди шу ноябрь ойида ишхонаси йўқолиб қолса бўладими!! ТошМИ кадрлар бўлимига чақириб, ташкилий методика бўлими Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг 1-клиник касалхонасига министрликнинг 1589-сон буйруғи билан ўтказилганини маълум қилишди.

Она боласини кўтариб, «қайдасан ишхонам» деб йўлга чиқди. Клиник касалхонани қидириб топди. Ариза ёзиб бош врач М. Юнусов ҳузурига кирдн.

— Ҳужжатларингизни олмаймиз. Сиз отпускада экансиз,— деди бош врач.

— Аҳир, фарзанд кўрган оналарнинг меҳнат дафтарчаси уйида эмас, ишхонасида турши керак.

— Бизга отпускада юрган эмас, ишлаб турган одам керак...

Иккинчи, учинчи учрашувлар, министрликка боришлар ҳам зое кетди. Фарзанд кўриб қувонган она ишхонасини йўқотиб ташвишда қолди. Олти ойдан берн сарсон бўлиб юрибди.

Бирор ишхона бутунлай тугатилган тақдирда ҳам шу ишхонанинг ҳуқуқларн бошқа ташкилотга ўтиши керак эди. Онанинг ҳуқуқлари, манфаатларини кимдир ҳимоя қилиши керак эди. М. Мажидованн эса «тақдир тақозосиии» рўкач қилиб, бамайлихотир ишдан бўшатиб юборишди. Нега! Ушбу саволга Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигидаги мутасадди ўртоқлар аниқ жавоб беришларн керак! Ёки йўқолган ишхонани улар ҳам топа олишмайдими!

М. НУРМАТОВ.

«Оналар ва болалар» почтасидан

НЕГА САРСОН ҚИЛИШАДИ?

Завод ва фабрикаларда баракали меҳнат қилиб, айни пайтда фарзандларини тарбиялаётган дугоналаримни кўрганимда ҳавасим келади. Мен ҳам ишга кириш мақсадида Сергелидаги ошхона мебеллари заводининг 16-цехи бошлиғи Саид акага учрашиб, ниятимни айтдим. У киши хушфеъллик билан «Фабрикада иш кўп, хоҳласангиз цехга ишга оламиз» дедилар. Яхши муомаладан хурсанд бўлдим.

Лекин фабрикининг кадрлар бўлимида бутунлай бошқача муомалага дуч келдим.

— Цехга ишга олмайман. Фақат фаррошликка олишим мумкин,— деди бўлим бошлиғи болаларим кўплигини билгач.

Наҳотки, болаларимнинг кўплиги мен учун шараф эмас, айб бўлса? Наҳотки, кўп болали онани фаррошликдан бошқа ишга олишмаса? Фаррошлик айб эмас, лекин нега ишга кираётган одамнинг ҳоҳиши ҳисобга олинмайди?

Кадрлар бўлими бошлиғи бўлиб ишлаётган аёлнинг ўзи ҳам она бўлса керак. Унга шу бўлимни ишониб топшириб қўйишибди. Унинг эса бошқа одамларга ишонмаслиги, фаррошликдан бошқа ишни кўп болали оналарга раво кўрмаслиги мени гоят ранжитди.

Кадрлар тақдирини шундай кишиларга ишониб топшириб қўйган Тошкент ошхона мебеллари фабрикаси раҳбарлари бунга нима дейишаркин?

А. МИРЖАЛИЛОВА.

• «Тошкент оқшоми» ёрдам берди

ОНАЛАРНИ РАНЖИТГАНЛАР ЖАЗОЛАНДИ

Оқшомхон Х. Исроилова редакцияга хат йўллаб, Акмал Икромов ва Собир Раҳимов район социал таъминот бўлимлари ходимларининг айби билан фарзанди учун белгиланган пенсияни ололмаётганини баён қилган эди. Хат текшириш ва чора кўриш учун шаҳар социал таъминот бошқармасига юборилган эди.

Бошқармадан олинган жавобда хабар қилинишича, 1 февралдан то 1 майгача бўлган пенсия суммаси апрель ойида Х. Исроилованинг омонат кассадаги ҳисобига ўтказилди. Пенсиянинг тўхтаб қолиш сабаблари бошқарманинг кенгайтирилган советида муҳокама этилди. Айбдорлар маъмурий тартибда жазоланди.

●

Октябрь районида истиқомат қилувчи кўп болали она М. Дўстмуҳамедова ўз хатида район социал таъминот бўлимидагилар уни салкам бир йилдан бери пенсиясини расмийлаштирмай, сарсон қилишаётганини ёзган эди.

Шаҳар социал таъминот бошқармасидан олинган жавобда айтилишича, хат бошқарма советида муҳокама этилди. Октябрь район социал таъминот бўлими мудири вазифасини бажарувчи Р. Зокировага инспекторлар иши бўш назорат этилаётгани кўрсатиб ўтилди. Сансалорликка йўл қўйган инспектор К. Шариповнинг шу вазифада қолиш-қолмаслиги масаласини кўриб чиқиш топширилди.

Кўп болали она М. Дўстмуҳамедова пенсияни ола бошлади.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

3 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

1 ИЮНЬ, 1984 й.

М. Қориёқубов номидаги ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

4 ИЮНЬ СОАТ 19.30 да

«ХАНДА» АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ПРОГРАММАДА:

«КУЛГИ КИРГАН УЙГА, ҚАЙҒУ КИРМАГАЙ»
(икки бўлимда)

САТИРА ВА ЮМОР ЭСТРАДА ТОМОШАСИ

Сценарий муаллифлари: ҲАЙДАРАЛИ УЗОҚОВ, ШЕРҚЎЗИ ҒОЗИЕВ.

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўсар ЮСУПОВ, Аъзам ҒОЗИЕВ, Ғайбулла МЕЛИЗИЕЕВ, Розия НАЗАРОВА, Қурбонали ТИЛЛАЕВ, Санобар РАҲИМОВА, Насиба ЭСОНОВА, Малика ШАРИПОВА, Валентина ПАШКОВА, Олимжон МАҚСУДОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Программани Мамасоли ХОЛМАТОВ ва Зайниддин ОМОНОВ олиб борадилар.

«ХАНДА» ансамблининг бадиий раҳбари — Шерқўзи ҒОЗИЕВ.

Музика раҳбари— Мирсалим МУҲАММАДЖОНОВ.

Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги

ТОШКЕНТ ШАҲАР ЎҚУВ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМБИНАТИ

Қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ШИМ ВА КЎЙЛАКЛАР ТИКИШ БЎЙИЧА МАСТЕР.

Ўқиш муддати — 6 ой.

Стипендия — 30 сўм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ 16 ДАН 30 ЁШГАЧА БЎЛГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати меҳнат стажига қўшилади.

Битирувчилар ўқиш тугаганидан кейин Тошкент шаҳар маиший хизмат корхоналарига ишга юборилади.

МАШҒУЛОТЛАР 15 ИЮНДА БОШЛАНАДИ.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: директор номига ариза, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, справкалар: медицина (286-форма), турар жойидан; автобиография, характеристика, 3 дона фотосурат (3х4 см.).

Қуйидаги адресга мурожаат этилсин: 700053, Тошкент шаҳри, Киров райони, 1-Мингўрик кўчаси, 9-уй (19, 115-автобуслар; 2, 16-трамвайларнинг «Ўзбексельмаш» бекати). Телефонлар: 35-25-64.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг Тошкент шаҳридаги 2-пойафзал фабрикаси базасидаги

149-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984-85 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисосликлар бўйича малакали мутахассислар тайёрлайди: бичувчи (пойафзал деталлари бўйича), **заготовшик** (пойафзалнинг устки деталларини тикиш), **пойафзални якка буюртма ҳолида тайёрловчи, саноат ускуналарига хизмат кўрсатувчи ремонтчи-слесарлар, ОТК контролерлари.**

Ўқиш муддати 1 ва 2 йил.

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

8—9—10 синф ҳажмида маълумоти бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўрта маълумот билан билим юртига ўқишга кирганларга ҳар ойда 30 сўм ҳажмида стипендия берилади. 8-синф ҳажмида ўқишга кирганлар эса, давлат таъминотида бўлиб, кийим-бош ва кунига 3 маҳал овқат билан таъминланади.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаган иш ҳақининг 50 проценти берилади. Билим юрти қошида кечки мактаб мавжуд. Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига йўлланма билан юборилади.

Билим юртида қуйидаги тўгараклар мавжуд: тикиш ва бичиш, тўқиш, кино-фото, миллий чолғу-асбоблар бўйича ва спорт секциялари мавжуд.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: директор номига ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, турар жойидан справка, саломатлиги тўғрисида (286-форма) справка, 4х3 см. ҳажмида 6 дона фотосурат, ўқиш ёки иш жойидан справка ёки характеристика.

Ҳужжатлар (якшанбадан ташқари) **барча кукларда соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.**

Адресимиз: Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, Домбробод массиви, Наққошлик кўчаси, 199-уй. Телефон: 76-77-45 (тролейбус 16, 123-автобуснинг «Домбробод» бекати, метронинг «Собир Раҳимов» станцияси.

124-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984—85 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

СЕКРЕТАРЬ-МАШИНИСТКА, СЕКРЕТАРЬ-СТЕНОГРАФИСТКА, ИШ ЮРИТУВЧИ, ЧИЗМАЧИ-КОНСТРУКТОР, ЭЛЕКТРОН-ҲИСОБЛАШ МАШИНАЛАРИ ОПЕРАТОРИ, ЭЛЕКТРОН-ҲИСОБЛАШ МАШИНАЛАРИ ПРОГРАММИСТИ, ЎИИН АВТОМАТЛАРИ МЕХАНИГИ.

Ўқиш муддати барча ихтисосликлар бўйича: 8 синфдан кейин 3 йил, 10 синфдан кейин 1 йил.

Билим юртига қабул қилинганлар ойига 30 сўм миқдорида стипендия билан таъминланадилар.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: аттестат, (тўлиқ маълумот тўғрисида), 8 синфни битирганлар учун 8 синфни тугатганлик тўғрисида гувоҳнома; характеристика, 4 дона фотосурат (3х4 см.), справкалар: медицина (286-форма), турар жойидан, ота-онасининг бирортаси иш жойидан; паспорт, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, директор номига ёзилган ариза.

Адрес: Тошкент шаҳри, 84-алоқа бўлими, Киров райони, Хуршид кўчаси, 45-уй (14, 44, 56, 88-автобусларнинг «Семашко номли институт» бекати).



«ТАШКУЛЬТТОРГ»НИНГ 1-МАГАЗИНИДА

(Киров кўчаси, 17-уй)

4—9 ИЮНЬ КУНЛАРИ

А. С. ПОПОВ НОМИДАГИ РИГА РАДИОЗАВОДИДА ТАЙЁРЛАНГАН МАИШИЙ РАДИОАППАРАТУРАЛАРНИНГ

САВДО-КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Ригадаги «РАДИОТЕХНИКА» ишлаб чиқариш бирлашмаси радиоаппаратураларининг ўзига хос фазилатлари овозининг юксак даражада сифатлилиги, энг прогрессив техника ечимлари қўлланилганлиги, ташқи қиёфаси жиддий такомиллаштирилганлиги билан ажралиб туради.

«Радиотехника» маркали буюмлар мамлакатимизда ва чет элларда кенг шуҳрат қозонган. Халқаро ярмаркалар ва кўргазмаларда олинган олтин медаллар — Рига радиоконструкторлари эришган ютуқларнинг ёрқин исботидир.

«РАДИОТЕХНИКА К-101» СТЕРЕО» — нисбатан маиший радиоаппаратураларнинг энг сифатли янги конструкциясидир. Бу термани тўла комплектда (электропроигреватель, приёмник, усилитель, магнитофон панели, акустика системаси) ёки алоҳида блоклар ҳолида сотиб олиш мумкин бўлган хушбичим ва башанг аппаратлар мажмуасидир. Бу аппаратлар ҳар бирининг линия размерлари чет эллардаги етакчи фирмалар ва мамлакатимизда янги такомиллашган ечимлар асосида тайёрланаётган барча аппаратларнинг ҳажмига монанд келади. Замонавий радиоэлементлар, вакуум-люминесцентли индикаторли, кўп ишлашдан ҳимоя қиладиган схемалар — буларнинг ҳаммаси ана шу комплектда фойдаланилган.

«РАДИОТЕХНИКА К-101» — комплектлашнинг тўртта имкониятли вариантидир:

агарда сиз усилитель ва акустика системасига «РАДИОТЕХНИКА — 101ЭП» электропроигрева т е л и н и уласангиз исталган сигнал манбаасидан овознинг сифатли эшиттирилишини таъминлайди — ва сиз бундай усулда биринчи классли электрофонга эришган бўласиз;

агарда сиз «РАДИОТЕХНИКА Т-101» тюнерини сотиб олсангиз — радиоланинг эгаси бўласиз.

Агарда сиз «РАДИОТЕХНИКА М 11—201» магнитофон панелини сотиб олсангиз «РАДИОТЕХНИКА — К-101» СТЕРЕО» таркиби мукаммал бўлади.

Савдо-кўргазмасида «РАДИОТЕХНИКА»нинг электрофонлари, радиолалари комплекслари ва айрим блокларини сотиб олишингиз мумкин. Бу буюмларни ўз хоҳишингиз билан комплектланг!

А. С. ПОПОВ НОМЛИ РИГА РАДИОЗАВОДИ САВДО-КЎРГАЗМАСИГА БОШҚА радиоаппаратураларни ҳам тавсия этган:

«САЛЮТ—001» олий классли кўчма радиоприёмник;

«РИГА—120» биринчи классли кўчма стереомагнитола;

«РИГА—110», «РИГА—111» биринчи классли кўчма магнитолалар;

«СЕЛГА—410», «СЕЛГА—405» тўртинчи классли кичик ҳажмли кўчма радиоприёмниклар;

«РАДИОТЕХНИКА—001» олий классли стереофоник электропроигреватель (приставкаси).

Савдо-кўргазмасида Ригадаги А. С. Попов номидаги радиозаводининг вакиллари иштирок этадилар.

САВДО-КЎРГАЗМАСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

«ТАШКУЛЬТТОРГ» (телефон 91-18-79),

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-24)

ТВ

ЖУМА

1 ИЮНЬ

ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

● МТ I

19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Оперетта артистларининг концерти.
21.30 «Время».
22.00 Ҳужжатли фильмлар.
23.30 М. Глинканинг симфоник миниатюралари.

24.00 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Онамларнинг мактаби».
19.15—20.30 «РСФСР халқ артисти Ю. Соломин».
20.45 «Тириклар рўйхатига мангу битилган». Телефильм.
21.00 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
21.30 «Время».
22.00 «Шаҳар товушлари». Телевизион бадиий фильм премьераси. 7-серия.
22.55 Футбол бўйича Европа чемпионати. Ўсмирлар. Ярим финал. 2-тайм.

● УзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Болалар учун фильм. «Ўргатилган паровозча».
18.25 Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига. «Чамандаги гуллармиз». Адабий-музикали композиция.
19.00 «Турмуш ва маданият».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Сенга, фестиваль!» Тошкент Кино уйида Ўзбекистон рассомларининг кўргазмаси.
20.15 «Мустаҳкам озуқа базаси учун».
20.30 «Ахборот».
20.50 М. Турғунбоева номидаги хизмат кўрсатган Давлат «Баҳор» халқ рақс ансамбли ижросида жаҳон халқларининг рақслари.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Дунё воқеалари».
22.30 «Комила». Телевизион бадиий фильм. 1-серия (рус.)
23.35 Янгиликлар.

ШАНБА

2 ИЮНЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 «Дилафрўз Жабборова рақсга тушади». Фильм-концерт премьераси (Тошкент).
10.05 «Спортлото»нинг 22-тираж и.
10.15 «Калуга архитектураси».
10.45 «Сизга манзур адабиётлар».
11.30 «Усимликлар оламм».
12.15 «Ғолиблар». Фронтдош дўстлар клуби.
13.30 «Ўртоқ қўшиқ». Бутуниттифоқ телеконкурси.
14.05 «Сиз бунга қодирсиз».
14.50 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
15.20 «Дунё воқеалари».
15.35 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
16.30 С. Рахманиновнинг этюд-манзаралари.
16.45 «Дўстларимиз чеҳраси».
17.30 Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати.
18.00 Халқ хорларининг иккинчи Бутунроссия кўриги.
18.40 Мультфильмлар.
19.15 Совет қўшиқларидан концерт.
19.30 «Цирк майдонида».
20.10 А. С. Пушкин. «Бўрон». Телеспектакль премьераси.
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича халқаро учрашув. Англия — СССР терма командалари. 2-тайм. Англиядан олиб кўрсатилади.
22.45 Чет эл эстрадасининг куйлари ва оҳанглари.
23.45 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.30 Телефильмлар: «Мен ишчи бўлардим...», «Давр оҳангида».
10.15 «Тонгги почта».
10.45 «Ҳаётга йўлланма».
11.45 ГРУЗИЯ ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
13.05 Ҳужжатли фильм.
13.25 «Саёҳатчилар клуби».
14.25 «Н. Д. Шпиллер ҳикоя қилади».
15.25 Болалар учун фильм. «Сен осмонни кўрасан».
16.30 Мультфильмлар.
17.00 «Вираж». Ёшлар спорт кўрсатуви.
18.45 «Музикали киоск».
19.15 «Халқаро обзор».
19.30 С. Прокофьев. «Рус увертюраси».
19.45 «Дирижаблнинг қайтиши». Телефильм.
20.00—20.30 Спорт кўрсатуви.
20.45 «Здоровье».
21.30 «Время».
22.00 «Ашула айтмоқчиман». Бадиий фильм.

● УзТВ I

17.00 ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ VIII ХАЛҚАРО ТОШКЕНТ КИНОФЕСТИВАЛИНИНГ ТАНТАНАЛИ ЕПИЛИШИ. Санъат саройидан олиб кўрсатилади.
18.00 Мультфильмлар.
18.20 Мактаб ўқувчилари учун. «Китоб — бизнинг дўстимиз».
19.10 «Буюк ва қудратли» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 В. И. Ленин номли Тошкент электрон-техника заводи халқ рақс ансамблининг концерти.
20.30 «Ахборот».
20.50 Халқ рақс ансамблининг концертининг давоми.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Комила». Телевизион бадиий фильм. 2-серия (рус.).
23.05 «Гавҳарлар жилоси». Бадиий фильм. 1-серия.
● 18.00—21.30 ТОШКЕНТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-30.

1 ИЮНЬ, 1984 й. Р—14042. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10